



## XALQ DEPUTATLARI XO'JAOD TUMAN KENGASHI

171400. Xo'jaobodshahar, Uzunko'cha, tel: (8 374) 741-10-01 faks: 741-21-13, E-mail: xojaobod@andijan.uz

2022 - yil 9 - noyabr

VI-32-112-1-27-K/22

Xo'jaobod tumani hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойihalарни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 409-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот порталида овоз бериш жараёнида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган таклиф лойihalарни амалга ошириш учун маблағ ажратиш тўғрисида**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан депутатлар назоратини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 30 июндаги КҚ-377-IV-сонли **Қарорига** мувофиқ туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомига асосан халқ депутатлари Хўжаобод туман Кенгаши

### **Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ туман бюджетини тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга

йўналтириш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши белгиланганлиги ва ушбу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 30 июндаги КҚ-377-IV-сонли [Қарорига](#) мувофиқ туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низоми маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 409-сонли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот порталининг 2022 йил 2-босқич якуний натижаларга кўра, қуйидаги 3 та таклиф лойиҳалари 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган деб топилган:

1-ўрин: ID: рақами 0380600052-сонли Хўжаобод тумани Баҳрин МФЙ Пахтакор кўчасини 600 метр ва Зиёкор кўчаларининг 1700 метр ички йўллари асфальтлаш тўғрисидаги таклиф жами 4101 та овоз тўплаган бўлиб, ушбу таклиф учун талаб этиладиган маблағ миқдори 1 млрд. 150 млн. сўм;

2-ўрин: ID: рақами 0380600038-сонли Хўжаобод тумани Чимбулок МФЙ Манғит кўчасида жойлашган 4-сон Давлат мактабгача таълим ташкилоти филиалини реконструкция қилиш тўғрисидаги таклиф жами 3832 та овоз тўплаган бўлиб, ушбу таклиф учун талаб этиладиган маблағ миқдори 1 млрд. 200 млн. сўм;

3-ўрин: ID: рақами 0380600020-сонли Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмасига карашли КТМПга цифровая диагностическая рентгеновская система GXR-X52SD Производител: DRGEM Corporation, Корея Комплектация ва цифровая портативная ультразвуковая диагностическая система MINDRAY DP-30 тиббиёт аппаратларини сотиб олиш тўғрисидаги таклиф жами 2373 та овоз тўплаган бўлиб, ушбу таклиф учун талаб этиладиган маблағ миқдори 835 млн. сўм;

3. Ушбу 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган 3 та таклиф лойиҳалар учун ажратилиши белгиланган жами 3 млрд. 185 млн. сўм маблағни молиялаштириш бўйича 1-иловага мувофиқ манзилли дастур тасдиқлансин.

4. Ушбу қарорга асосан туман молия бўлими (Н.Маматов) ҳар бир

таклиф учун алоҳида, Ободонлаштириш бошқармаси, туман Мактабгача таълим бўлими ва туман тиббиёт бирлашмасига тегишли ҳисоб рақамларни очилишини таъминласин.

5. Туман молия бўлими (Н.Маматов) ҳамда туман ғазначилик бўлинмаси (Б.Жўраев) “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси маблағлари ҳисобидан манзилли дастурга асосан маблағларни тегишли тартибда ажратилишини ҳамда молиялаштирилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарорга асосан “Фуқаролар ташаббуси” жамғармаси ҳисобидан ажратилган маблағларни Ободонлаштириш бошқармаси (Т.Умирзақов), туман Мактабгача таълим бўлими (Н.Мирзакаримова) ва туман Тиббиёт бирлашмаси (Т.Абдурахимов)лар мақсадли ва самарали сарфланишини таъминласинлар.

7. Ишчи комиссияга ҳар чорак якуни бўйича Халқ депутатлари туман Кенгашига амалга оширилган ишлар бўйича ахборот бериб бориш вазифаси юклатилсин. Шунингдек, Хўжаобод туман ҳокимлиги матбуот хизмати, маҳаллий телевиденияларга жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати Хўжаобод туманида жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия раҳбари, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Расулов, туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Д.Имолдинов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (О.Орибжонов), Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Э.Абдураимов) раислари зиммаларига юклатилсин.

Туман Кенгаши раиси



У.Шуқуров

Xalq deputatlari Xo'jaobod tuman Kengashining  
2022 yil 9 noyabrdagi  
VI-32-112-1-27-K/22-son qaroriga  
1-ilova

**Хўжаобод туманида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Очиқ бюджет" ахборот портали орқали 2022 йил 2-босқич жараёнида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган таклифларни молиялаштириш бўйича**

**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

(минг сўмда)

№	Таклиф ID рақами	Таклиф мазмуни	Тўплаган овозлар сони	Таклифни амалга оширишнинг аниқланган қиймати	Ҳақиқатда ажратилган маблағ	Молиялаштириш манбаси	Бююртмачи ташкилот номи
<b>"Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" да шаклланган жами маблағ</b>					<b>3 185 000</b>	<b>x</b>	<b>x</b>
1	0380600052	Бахрин МФЙ Пахтакор кўчасини 600 метр ва Зиёкор кўчаларининг 1700 метр ички йўллари асфалтлаш	4 101	1 150 000	1 150 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
2	0380600038	Хўжаобод тумани Чимбулоқ МФЙ Мангит кўчасида жойлашган 4-сон Давлат мактабгача таълим ташкилоти филиалини реконструкция қилиш	3 832	1 200 000	1 200 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Мактабгача таълим ташкилоти
3	0380600020	Хўжаобод туман тиббиёт бирлашмасига карашли КТМПга цифровая диагностическая рентгеновская система GXR-X52SD Производител: DRGEM Corporation, Корея Комплектация ва цифровая портативная ультразвуковая диагностическая система MINDRAY DP-30 тиббиёт аппаратларини сотиб олиш	2 373	835 000	835 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Тиббиёт бирлашмаси
<b>Тақсимланмаган маблағ</b>					<b>0</b>	<b>x</b>	<b>x</b>

